## 16 - сонли ШАРТНОМА

2022 й. «28» 7 213-13-189-ХТ/2022-сон **Тахтакупир тумани**

**Тахтакупир тумани ХТБ** Устав ки Низом асосида фаолият юритувчи, булим рахбари М.Аскаров иштирокида бундан буён бир томондан «**БУЮРТМАЧИ**» деб юритилади ва иккинчи томондан **"Аму проект" МЧЖ** номидан уставга асосан фаолият юритувчи рахбари А.Жанабаев иштирокида бундан буён иккинчи томондан «**БАЖАРУВЧИ**» деб юритилади ушбу шартномани тузадилар.

### I.ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Бажарувчи» уз зиммасига «Буюртмачи»нинг буюртмасига биноан куйидаги ишларни (хизматларни) бажариш мажбурияини олади: **Тахтакупир туманидаги 12-мактаб биносини жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.**

1.2. «Буюртмачи» эса бажарилган ишлар (хизматлар) хакини мазкур шартномада курсатилган шартлар буйича тулашни уз зиммасига олади.

### II.БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ.

2.1. Мазкур шартномага асосан ишларнинг бажарилиш муддати куйидагича белгиланади: Шартнома икки томонлама имзолангандан кейин 10 кун ичида.

2.2. «Буюртмачи» бажариладиган ишлар буйича «Бажарувчи»га бажариладиган ишларни амалга ошириши учун талаб даражасида шароитлар яратиб беради.

2.3. «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» ишлар тулик бажарилгандан кейин 30 кун ичида узаро «Бажарилган ишлар далолатномаси»ни тузилиб, томонлар томонидан имзоланади.

### III. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартномага асосан бажариладиган умумий иш хажми куйидаги суммани ташкил **24 000 000 (йигрима тўрт миллион) сум**

3.2. Тулов муддати: «Бажарувчи» томонидан «Бажарилган ишлар далолатномаси» такдим этилиб, томонлар томонидан имзолангандан кейин 10 календар кун ичида.

3.3. Тулов шакли «Бажарувчи»нинг хисоб ракамига пул кучириш йули билан туланади

### IV. БАЖАРИЛАДИГАН ИШНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома буйича курсатилган таъмирлаш ишлари тугагандан кейин давлат назорат куригидан утказилади, бу тугрида тасдикловчи хужжат такдим этилади ва «Бажарилган ишлар далолатномаси» имзолангандан сунг барча ишлар тугалланган хисобланади. (2.3)

4.2. Иш муддатидан олдин бажарилганда «Буюртмачи» ишни муддатидан олдин кабул килиш ва келишилган нархда хак тулаш хукукига эга (2.1.)

4.3. «Буюртмачи» хакикатда бажарилган ишни «Бажарилган ишлар далолатномаси» имзолангунча рад килиши мумкин.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. «Бажарувчи» бажариладиган ишлар муддатини кечиктиргани учун хар бир кечиктирилган кун учун «Буюртмачи»га умумий сумманинг 0,5 % микдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмайдиган микдорида тавон (пеня) тулайди.

5.2. «Буюртмачи» томонидан бажарилган ишлар учун уз муддатида хак туланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун «Бажарувчи»га умумий сумманинг 0,4 % микдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмайдиган микдорида тавон (пеня) тулайди.

### VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. Шартномада белгиланган мажбуриятларни бажаришга томонлар амалдаги конунчиликка асосан жавобгардирлар .

Кўриб чиқган юрист: Shaxanov Dauletbay Azatullayevich. Ҳужжат рақами: ZR0637661438

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: RU58724356

6.2. Баъзи бир сабабларга кура таъмирлаш ишлари чузилиб кетган холда узаро томонлар келишувига асосан оралик далолатнома тузилади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1. Томонларнинг хеч бири бошка томон олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларини томонларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиш ёки бартараф этиш мумкин булмаган холатлар, бунга кушиб харбий харакатлар, ёнгин, сув босиши, зилзила ва бошка табиий офатлар каби бартараф этиб булмайдиган холат (куч)ларнинг мавжудлиги билан боглик холда бажармаганликлари учун жавобгар булмайди.

7.2. Уз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга юкоридаги 7.1 - бандида курсатилган холатлар таъсир курсатиши ёки монелик килиши тугрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. Тарафлар уртасида ушбу шартнома буйича ёки у билан боглик холда пайдо буладиган барча низолар ёки келишилмовчиликлар томонлар уртасида музокара йули билан хал килинади.

8.2. Агар келишилмовчиликларни музокара йули билан хал килиб булмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судида курилишига тегишли булади.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома ҳар икки тараф томонидан имзоланиб, иккала тараф учун бир ҳил юридик кучга эга бўлади ва Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйҳатдан ўткандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь қадар амал қилади.

9.2. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди, хар бир томонлар учун бир нусхадан.

## 8. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

| « Буюртмачи » | « Бажарувчи » |
|---|---|
| **Тахтакупир тумани ХТБ**<br>**Манзили Тахтакупир тумани**<br>**Айдос бий кушаси ракамсиз**<br>____________________<br>**Х/Р: 100022860352307092100075048**<br>**МФО: 00014, ИНН: 201122919**<br>**Тошкент ш., Марказий банк**<br>**Р/С 23402000300100001010**<br>**Тел.:** ____________ | **"Аму проект" МЧЖ**<br>**Нукус шахри 22 кичик туман**<br>**9/6 уй, 35-хона**<br>**Р/С: 2020 8000 7053 0524 3001**<br>**МФО:01139 ИНН:307892911**<br>**ҚҚ филиал АКБ "Инфин банк"**<br>**Тел.: (97) 358 91 91** |
| **Рахбар :**__________**М.Аскаров** | **Директор:** __________ **А. Жанабаев** |

**р/с: 23402000300100001010**
**ИНН: 201122919 МФО:00014**
**Банк: Центральный банк г.Ташкент**

ЮРИДИК Х У Л О С А

Ушбу шартнома амалдаги УзР Фукаролик кодексининг 324-456 м.м., «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий- хукукий базаси тугрисидаги» Конуни ва бошка конун хужжатлари талабларига мос келади. Хисоб-китоб килиш тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги меъери ва низоларини хал этиш тартиби юкоридаги конун хужжатлари талабларига мос келади.

____________________ бош юрисконсульти ____________

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: RU58724356

213-13-189-ХТ/2022-сонли шартномага

ИЛОВА

**Коррупсияга қарши қоидаларининг**
**АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

1. Томонлар шартнома буйича уз мажбуриятларини бажараётганда Узбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш тугрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яни Тахтакупир тумани Халк таълими булими деб аталувчи бир томондан, (бундан буён матнда "истеъмолчи»" деб аталувчи) булими раҳбари **М.Аскаров** уз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кузлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги ёҳуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки вада бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тулаш; -

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йул қуймаслик буйича чоралар курилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома буйича бир Томон Тахтакупир тумани ХТБ раҳбари М.Аскаров ахлоққа тугри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Узбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупсияга оид ҳуқуқбузарлик содир етишга мажбурлашдан иборат бо‘лган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

коррупсия ҳақида хабар беришга мулжалланган ишонч телефони; 1253

Телеграм-канали ("@антикорбот");

Тахтакупир тумани Халк таълим булими расмий веб сайт taxtakopir.zn.uz.

**ТОМОНЛАР:**

| « Бажарувчи » | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **"Аму проект" МЧЖ** | **Тахтакўпир туман халқ таълим бўлими** |
| **Раҳбар** **А. Жанабаев** | **Раҳбар** **М.Аскаров** |
| **М.Ў.** | **М.Ў.** |
| «__» ________ 202__ й. | «__» ________ 202__ й. |